





# УЗБЕКСКАЯ НАРОДНАЯ МУЗЫКА



*Собрал и записал*  
ЮНУС РАДЖАБИ  
*Под редакцией*  
И. А. АКБАРОВА



ТОМ

*Государственное издательство  
художественной литературы Узбекской*

ТАШКЕНТ

1959

# ЎЗБЕК ХАЛҚ МУЗИКАСИ



*Тўпловчи ва нотага олувчи*

ЮНУС РАЖАБИЙ

И. А. АКБАРОВ

*тахрири остида*



ТОМ

Ўзбекистон Давлат  
Бадий Адабиёт Нашриети

ТОШКЕНТ

1959

В целях облегчения пользования песенным материалом сборника для читателей, не владеющих узбекским языком, текст песен дается в подстрочном русском переводе.


*М. Сальеничг* русча назмий таржимаси  
Редакторлар: *Туроб Тула* ва *Ф. Абдурахмонов*  
Русча текстларнинг редактори *Л. Винокурова*  
Бадий безатувчи *И. Икромов*  
Техник редактор *Я. Пинхасов*  
Фото расмлар *М. Розенкранцники*  
Корректорлар  
*Н. Лёвушкина* ва *Н. Содиқов*

\* \* \*

Подписано в печать 19/1 1959 г. Формат 70×108<sup>1/16</sup>. Печатн. л. 53.0575+ / вклеск. Тираж 10000. Р 02601. Индекс: Музо. Договор № 29456. Государственное издательство художественной литературы УзССР, Ташкент, ул. Навои № 30.

\* \* \*

Типография № 3 Главлита Министерства культуры УзССР,  
Ташкент, Ленинградская, 15. 1959. Заказ № 419.  
Цена 34 р. 65 к.



25333



## ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ МУЗИКАСИ

**Ч**олғу музика анъаналари қадим замонларда вужудга келган бўлиб, ўзбек халқининг бой музика маданиятида муҳим роль ўйнайди.

Тасвирий санъат ёдгорликлари чолғу (инструментал) музика қадим даврлардаёқ кенг тарқалибгина қолмай, балки анча ривожланганлигидан дарак беради. Қадимги Сугдиёнлар маданиятига оид Айртам матоси ҳам шунга кўрсатади. Бу матога бир неча музикачининг сурати солинган. Улардан бирининг қўлида арфага ўхшаш торли чолғу асбоби, иккинчисининг қўлида найсимон духовой чолғу асбоби, учинчисининг қўлида эса чўзинчоқ шаклдаги икки томонли ноғора бор. Матодаги шу суратларга қараб Сугдиёнлар чолғу асбобларининг асосий хилларини билганлар ва улардан яқка ҳолда ҳамда ансамблда фойдаланганлар деб, айтиш мумкин.

Ўрта асрлардаги ва кейинчалик яратилган музика трактатларида чолғу асбоблари ва уларда ижро этиладиган асарлар тўғрисида анчагина маълумотлар бор. Гарчи бу асарларнинг авторлари вокал музикани музика санъатининг энг муҳим шакли деб ҳисобланса-да, лекин улар чолғу музикасига ҳам катта эътибор берганлар. Ўрта Осиёда ўтган машҳур олим Ал-Фаробийнинг музика ҳақидаги трактатида «чолғу музика ашулага жўр бўлади ёки овозга тақлид қилади, уни бойитади ҳамда ашуланинг бошланғич музикасини ва унинг ораларидаги чолғу қисмини ҳосил қилади. Бу эса ашулагича дам беради. Айни вақтда улар ашулачининг овози етмайдиган жойларни бўртдириб вокал музикани бойитади»,<sup>1</sup> дейилади.

Шундай қилиб, Ал-Фаробий чолғу асбобларининг икки хил вазифасини — ашулага жўр бўлиш ва яқка ҳолда ижро этиш вазифасини белгилайди.

Чолғу асбобларининг бу вазифалари халқ музикасида бизнинг давримизгача сақланиб келган. Олим «киши овозига тақлид қила оладиган» чолғу асбобларини энг мукамал асбоб, деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам, Ал-Фаробий чалинадиган чолғу асбобларига у қадар катта аҳамият бермаган Ал-Фаробий шундай деб ёзган эди: «Киши овозига яқин товуш чиқарадиган асбоблар чолғу асбобларидан рабаб<sup>2</sup> ва духовой асбобларидир; улар овозга жуда яхши тақлид қиладилар... Рабаб ва сурнай<sup>3</sup> овозга айниқса яхши тақлид қила олади»<sup>4</sup>. Афсуски, Ал-Фаробийнинг асаринда эски музика асбоби уддан бошқа чолғу асбобларига таъриф берилмайди. Уд асосан ичтервалларни назарий жиҳатдан ҳисоблашда хизмат қилган. Бу чолғу асбоби кўпдан бери ишлатилмагани учун у ҳақда батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

<sup>1</sup> *Цитата* — Ал-Фаробийнинг француз тилида нашр этилган ва Р. Д. Эрланжени «La musique arabe, ses règles et sa histoire. II, Paris, 1935» (Р. д'Эрланже. Араб музикаси, унинг қонуниятлари ва тарихи) деган илмий асарига киритилган асаридан олинган.

Ал-Фаробий — «Рабаб» деганда Ўзбекистонда гижжак номи билан машҳур бўлган чолғу асбобини назарда тутган бўлса керак.

<sup>2</sup> Ал-Фаробий бу ўринда Ўзбекистонда най номи билан машҳур бўлган чолғу асбобини назарда тутган бўлса керак.

Цитата шу кўрсатилган асардан олинган (22—23 бетлар).

Чолғу музыкаси ҳақида Абу Али ибн Синонинг (980—1037 йиллар) музыка ҳақидаги трактатидан жуда қимматли маълумотлар топиш мумкин. Ибн Сино чолғу асбобларини, торли ва духовой чолғу асбоблари, деб икки тўдага ажратади. Биринчи тўдага у пардали ва пардасиз, шунингдек товушни кучайтирувчи (резонаторли) қути торли чолғу асбобларини киритади. Абу Али ибн Сино пардали чолғу асбоблари ичидан уд билан танбурни кўрсатади. Ибн Сино рабаб ҳақида ҳам гапириб, уни камонча билан чалинадиган асбоб деб таърифлайди. Иккинчи тўдага кирадиган чолғу асбобларининг энг муҳими деб, сурнайни кўрсатади. Бунда ибн Сино ҳам найни назарда тутган бўлса керак.

Ибн Сино чолғу асбобларини классификация қилишда созлашни асосий ўлчов деб ҳисоблайди. У шундай деб ёзган эди: «Чолғу асбоблари ишлатилишига қараб бир-биридан фарқ қилади»<sup>1</sup>. Музыка ҳақида ёзилган сўнги назарий трактатларда чолғу асбобларига тўлароқ таъриф берилади ва машҳур созандаларнинг номлари кўрсатилади.

Дарвин Алининг (XVIII аср) профессор А. А. Семёнов баён қилган машҳур трактатида чолғу асбобларининг анча мукаммал рўйхати, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар ва созандалар тўғрисида маълумотлар бор. Шуниси қизиқки, Дарвин Али ҳозирги вақтда Урта Осиё халқлари ишлатмайдиган кўп чолғу асбобларини тилга олади. Масалан, Дарвин Али тилга олган қўбуз илгарилари фақат Урта Осиё ва яқин Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам кенг тарқалган бўлса, ҳозирги кунда фақат қирғиз, қozoқ ва қорақалпоқ халқларидагина қолган. Гижжак пайдо бўлиши билан қўбуз Ўзбекистонда ишлатилмай қўйган.

Уларни ҳар тўмонлама чуқур билмоқчи бўлганлар В. В. Беляевнинг «Ўзбекистоннинг чолғу асбоблари» (Москва, 1933 йил) китобини олиб ўқиши мумкин. Профессор В. М. Беляевнинг бу асари, унинг бошқа асарлари сингари, ўзбек музыкаси ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари уч асосий тўдага бўлинад: торли чолғу асбоблари, духовой чолғу асбоблари ва урулуб чалинадиган чолғу асбоблари. Бу тўдадаги чолғу асбобларининг ўзи яна турли хилларга бўлинади. Лекин ҳамма чолғу асбоблари ҳам халқ орасида бир хилда кенг тарқалган эмас. Биз шулардан энг машҳурлари устида фикр юритамиз. Торли чолғу асбобларидан гижжак халқ ўртасида кенг тарқалган. (Фото 1). Гижжакнинг илгари одатда учта тори<sup>1</sup> бўлиб, улар кварта бўйича созланарди. Кейинчалик тўрт торли қилинди, бу эса унинг товуш қаторини оширди. Уч торли гижжак



Фото 1.

нинг диапазони бир яримга яқин октавани (тахминан ми бемолдан бошлаб), тўрт торли гижжакнинг диапазони эса иккига яқин октавани ўз ичига олади. Халқ чолғу асбобларидаги тор товуши ҳамма вақт бир хилда бўлмайди, шунинг учун ҳам тоқорида кўрсатилган товуш қаторларини нормативга мувофиқ деб бўлмайди. Чолғу асбобларини чалинадиган куйнинг характериға қараб турлича созлаш мумкин.

Кейинги ўн йиллар мобайнида баъзан гижжак ўрнига скрипка ишлатилганини кўради. Халқ созандалари скрипкани ҳам гижжакка ўхшаб тиззага қўйиб чаладилар.

Халқ созандалари ишлатиладиган камонча ёй шаклидалиги ва раида-дестасининг йўқлиги билан скрипка камончасидан фарқ қилади. Камоннинг қили чалиш вақтида ўнг қўлнинг бош

<sup>1</sup> Цитата юқорида кўрсатилган асардан олинган (234 бет).

бармоғи билан гаранг қилиниб созланади. Бу жуда осон, чунки созандалар гижжак чалганда камонни контрабасистларга ўхшаб пастки томонидан ушлайдилар. Ҳозирги вақтда халқ созандалари скрипка камонидан фойдаланмоқдалар. Бунда ҳам скрипка камони худди гижжак камонига ўхшаб ушлайди.

Камон билан чалинадиган чолғу асбобларидан яна бири сатодир (Фото 2). Сато гижжакка қараганда кам гарқалган. Бу асбоб гижжакдан дастасининг шакли, энг муҳими—пардалар бойланган дастасининг узун ва текислиги билан фарқ қилади. Дастанинг ўзига эса ёғочдан қилинган бир неча қўшимча пардалар сиқштирилган Сатонинг тўртта тори бер, у гижжакка ўхшаб камонда чалинади.

Ўзбекистонда тирнаб чалинадиган чолғу асбобларининг тури кўп. Улардан энг кўп расм бўлгани дутордир (Фото 3). Дуторнинг торлари янақдан бўлиб, улар дастага яқин бўш қилиб тортилади. Шунинг учун дуторнинг товуши у қалар баланд бўлмайди.

Халқ созандалари дуторни турли усулда созлайдилар. Дуторнинг икки

тори кўпроқ квартага ва квинтага созланиб, октава ва унисонга эса камроқ созланади.

шундаки, пастки октавада пардалар хроматик усулда (тўртинчи босқични ҳисобга олмаганда) жойлашади, унинг устки қисми эса диатоник товуш қаторини ташкил қилади. Пардалар миқдорига қараб товуш қаторининг умумий диапазони бир ярим октавадан икки октавагача стади. Дутор учун ёзилган музыка қўш товушли бўлади: (VIII бетга қаралсин).

Юқорида келтирилган дутор музикасининг намунасида унинг қўш товушлиги икки танда: товушларнинг параллель ҳаракатига асосланган ланта танда ва неччи паст товушга асосланган бурдон типидалиги кўрилади. Бу икки танда асосланиб туради. Дутор кўсинча квинта ва квартага созланади. Дутор ўзбек чолғу асбобларидан икки қўш товушли музикани ижро этишга имкон берибгина қолмай, балки шу қўш товушли музикани мажбурий қилиб қўювчи бирдан-бир асбобдир.



Фото 2.



Фото 3.



Уд тииндаги тирнаб чалинадиган чолғу асбобларидан бўлган танбур ўзбек музикасида катта ўрин тутати. (Фото 4). Унинг пардалари узун ва йўғон ластага бойланади. Танбурда учта сим тор бўлиб, бу торлар чалинадиган куйнинг қапақчалигига қараб созланади. Мақомларни чалганда албатта танбур иштирок этади. шунинг учун ҳам унинг сози ўзбек халқ музика маданиятининг классик асарларидан бири бўлган мақомларга боғлиқдир. Масалан, «Рост» мақоми учун танбурнинг биринчи ва учинчи торлари унисонга, ўрта тори эса пастки квинтага созланади. «Бузрук», «Дугоҳ» ва «Ироқ» мақомлари учун ўрта тор пастки квартага созланади. «Наво» ва «Сегоҳ» мақомлари учун эса пастки секундага созланади.



Фото 4.

Куй танбурнинг биринчи тори билангина чалинади. Бошқа торлар эса, куйнинг ритмик муҳим жойларини қисқа аккордлар билан чалиш учун хизмат қилади. Қисқа аккордлар одатда квинталардан ва асосий оҳангнинг такрорланишидан ташкил топади.

Танбур учун ёзилган музикадан намуна келтирамай, бунда юқорида қайд қилиб ўтилган хусусиятлар кўрсатишган: (1X бетга қаралсин)

Танбурнинг олтинчи пардаси силжитиб турилади. Асосий куй товуши одатда танбурнинг тўртинчи пардасига мос келгани учун бу ўзгаришлар парданинг учинчи босқичндаги баландлигини ўзгартириб турншга имкон беради. Бу нарса ўзбек музикасининг хусусиятларидандир. Танбур товуш қаторидаги босқичларнинг умум

ий миқдори (бунга қўшимча пардалар ҳам киради) йигирмага етишми ҳисобга олиб, бу асбобнинг умумий диапозони икки октавага тарқалади. Танбурнинг товушлари диатоник тартибда жойлашган. Танбур ноҳун билан чалинади.

Узоқ ўтмишда икки хил танбур бор эди. X асрга келиб истеъмолдан қолган Бағдод танбурининг диапозони кичик эди, шунинг учун ҳам уни ҳозирги замон ўзбек

Moderato



танбурининг «аждоли» деб бўлмайди. Хуросен танбурининг ҳам ҳозирги ўзбек танбурига ўхшашлик томони бўлмаган. Бу танбур ҳозир кўпроқ Закавказида расм бўлган торга ўхшаб кетади.

Танбурининг камонча билан чалинадиган хили ҳам бизгача сақланиб қолган. Булар ичида ташқи жиҳатдан танбурга ўхшаш кестувчи сетор алоҳида ўрни тутади. Сеторда қўшимча тор ҳам бор.

Тириб чалинадиган чолғу асбобларидан қашқар рубоби ҳам кенг расм бўлган (Фото 5). Унинг беш тор бўлиб, улардан биринчи ва иккинчиси унисонга, учинчиси: пастки квартага, тўртинчи ва бешинчиси эса бундан яна бир квинта пастга солинади.



Фото 5.

Қашқар рубобининг пардалари шундай жойлашганки, диапазониинг икки октаваси тўла хроматик товуш қаторини ташкил этади. Бу чолғу ҳам нохун билан чалинади. Куй асосан биринчи ва иккинчи (мелодик) торларда чалиниб, қолган торлари эса товушни кучайтирувчи (резонирующие) торлардирлар.

Афғон рубоби уд хилидаги чолғу асбобларидан бирдир. (Фото 6). Баъзан уни ҳиндча рубоб ҳам дейилади. Профессор В. М. Беляев бу чолғу асбобини қуйидагича таърифлайди:

«Агар бу асбобга юқоридан қаралса, у пастки томони юмалоқ ва ўша юмалоқ томонининг тахминан учдан бир қисмида юқорига қараб кетган иккита чуқур ён қаваги бор. Улар худди ўткир учли понага ўхшайдилар».

1 В. М. Беляев, «Музыкальные инструменты Узбекистана», Москва, 1933, стр. 72—73.



Фото 6.

Афғон рубобининг дастаси анча катта бўлиб, усти силлиқдир. Дастасидаги пардалар рубобдан хроматик товуш чиқариш учун имкон беради. Фақат қўшимча пардаларгина диатоникага мос келади. Афғон рубобининг беш мелодик тори бор. Улардан биринчиси ва иккинчиси унисонга, учинчи ва тўртинчиси бир кварта паст унисонга, бешинчиси эса тўртинчи тордан бир кварта пастга созланади.

Афғон рубобининг энг баланд, бошқа чолғу асбобларидаги каби чалинадиган куйнинг характериға қараб ўзгартирилиб туриши мумкин. Афғон рубобининг товушини кучайтирувчи ўнга яқин тори бор.



Фото 7.

Ўзбекистонда торли, урилиб чалинадиган чолғу асбобларидан чанг жуда кенг расм бўлган. (Фото 7). Утмишда чанг деганда цитросимон чолғу асбоби тушуниларди. Ҳозир бу чолғу асбобга цимбал музика асбобининг бир ҳили деб қаралади. Чанг трапеция шаклидаги товушни кучайтирувчи қутидан иборат. Унга 14 та тор тортилган. Бу торлар икки гурпуға бўлиниб, юқориги 12 тори унисонда уч ҳисса кўпайтирилган, шунинг учун ҳаммаси қирқ тордан иборат бўлади. Гурпуғалардан бири кўндаланг тиргак билан шундай ажратилганки, унинг калта қисми товушни торларнинг узун кесигига қараганда бир квинта баланд чиқаради. Чангнинг умумий диапозони катта октаванинг ля бемоль товушидан бошлаб бир ярим октавани ўз ичига олади. Чангнинг товушлари диатоник тартибда жойлашган.



Фото 8.

Духовой чолғу асбоблари ичида най жуда кенг расм бўлган. (Фото 8). Най қамишдан (гаров най) қилинади, лекин ёғочдан (ёғоч най), оқ тунукадан (бринжи най), жездан қилинган (мис най) найлар ҳам учрайди. Найнинг олтита тешиги бўлиб, улар икки октава атрофида диатоник қатор товушлар чиқариш учун имкон беради. Пуфланадиган тешик билан биринчи бармоқ босиладиган тешик ўртасидаги еттинчи тешикка қоғоз ёпиштирилиб қўйилган. Халқ созандаларининг фикрича бу — товушга сайкал беради. Пуфлаш натижасида турли товуш ва форшлагларнинг ҳосил бўлиши най чалишнинг характерли хусусиятларидан биридир.




Фото 9.

Ўзбекистонда қўшнаё билан балобон чолғу асбоби ҳам кенг тарқалган. (Фото 9). Қўшнаё икки қамиш найчадан иборат бўлиб, уларга товуш чиқарадиган тил қилинган. Қўшнаё тешиклари асбобдан тахминан биринчи октаванинг ми бемолидан бошлаб икки октава атрофида товуш чиқаришга имкон беради. Қўшнаёни чалиш учун иккита найчага ҳам баравар пуфланади ва иккита найчада ёндош жойлашган еттита тешикнинг тегишлисини бармоқ билан босилади. Қўшнаёда ўзбек музыкаси




Фото 10.

учун хос бўлган мелизмларни чалиш жуда осондир, шунингдек бу асбобда катта ва кичик мелизм ўртасидаги оралик интервалларни ҳам чиқариш мумкин.

Шу хилдаги чолғу асбобларидан яна бири балобондир. (Фото 10). Бу чолғу асбоби айниқса Хоразмда кенг тарқалган бўлиб, у баламан ёки боламан деб ҳам юритилади. Бу чолғу асбоби ёғочдан бўлиб, у бошдан охиригача цилиндр шаклида пармалаб чиқилган. Асбобнинг устки қисмига қамиш най ўрнатилган бўлиб, унга тил қилинган. Бу асбобнинг корпусида саккизта тешик бор. Улардан бири унинг пастки томонида. Балобоннинг товуш қатори диатоник бўлиб, у кичик октаванинг ре бемоль товушидан бошлаб уч октавагача етади.

Халқ музыкасида сурнай катта ўрин тутади. (Фото 11). Бу асбобнинг товуш қатори биринчи октаванинг ре товушидан бошлаб қарийб икки октавагача етади.

Карнай ўзига хос хусусиятлари билан бошқа чолғу асбобларидан кескин фарқ қилади. Карнай уч қисмдан иборат бўлгани учун уни кўтариб юриш осон. Карнайда

муштук бор. Карнайда фақат бир неча товуш: асосий товуш, квинта, септима ва октава бор. Бу товушлардан биринчи учтасини кўпроқ эшитиш мумкин. Карнай фақат очиқ ҳавода чалинади. Унинг кучли товуши халқ тантаналаридан дарак беради. Илгари вақтларда карнай қўшинлар орасида сигнал берувчи асбоб ўрнида ҳам ишлатилган. (Фото 12).



Фото 11.

Ўзбек музыка маданиятида чертиб чалинадиган чолғу асбоблари алоҳида ўрин тутади. Улардан айниқса кенг тарқалгани доирадир. (Фото 13). Бу асбоб Фарғонада чирманда, чилдирма, Бухорода эса — дап деб аталади. Доирада асосан икки товуш бор: улардан бири анча бўғиқ (бўм, Хоразмда — гул) бўлиб, бунинг учун доиранинг мумкин қадар ўрта қисмига чертилади; товушнинг иккинчиси анча баланд, жарангдор (бак, Хоразмда — так) бўлиб, бунинг учун доиранинг четига чертилади. Ҳозирги вақтда



Фото 12

бу товушларнинг биринчисини ифода-  
далайдиган белги нота чизигининг  
пастига, иккинчисиники эса нота  
чизигининг устига қўйилган. Дои-  
рани бу икки хил чертишдан турли  
товушлар ҳосил бўлади. Лекин бу  
товушларни ҳосил қилиш техник  
жиҳатдан анча оғир бўлиб, катта  
маҳорат талаб қилинади. Доира у-  
ста бармоқларда турли-туман то-  
вушлар ҳосил қилади; майда рит-  
мик усулларни чалишда ҳамма бар-  
моқлар навбатма-навбат ишлайди.  
Мана шу усуллар ўзбек халқ му-  
зикасининг бутун ритмик бойли-  
гини тўла ифодалашга имкон  
беради. Гарчи нота ёзуви доира  
товуши ҳақида тахминий тасаввур  
берса ҳам, бу ерда келтирилган  
мисол мураккаб ритм усуллари ва  
уларнинг ўзига хос хусусиятлари  
била таништиради.



Фото 13.





Фото 14.

(ўйинга тушганда оёқ ва қўлга кийинлади)ларини уриб чалинади.

Болалар орасида чанговуз кенг тарқалган. Бу асбобнинг диапозони ниҳоятда

чегараланганлигидан у музика асбоби эмас, кўпроқ болалар ўйинчоғи қаторида юради. Юқорида таъриф қилинган торли ва духовий чолғу асбоблари 12 босқичли бир текисдаги температурага мос келмайдиган товуш қаторларига эга. Товуш қаторининг айрим босқичлари нейтрал интервалларга мувофиқ келганда бир текисдаги температурадан четга чиқиб  $1/4$  оҳангга боғиб стади.

Кейинги йиллари ўзбек халқ чолғу асбобларини реконструкциялашда катта ишлар қилинди. Буни асосан бир типдаги чолғу асбобларининг бир неча хилини ясашга, товуш қаторларининг хроматизациясига ва температураларига алоҳида эътибор берилди.

Чолғу асбобларини реконструкциялашга батафсил таъриф бериш мазкур мақоланинг вазифасига кирмагани учун халқ созандаларининг чолғу асбобларини чалишдаги ўзига хос хусусиятлари устида тўхташ kifойдир. Юқоридики кўрсатиб ўтилган чолғу асбобларининг ҳаммаси деярли якка чалинади. Доира ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Доира айрим рақсларга якка ўзи жўр бўлади. Шунингдек айрим чолғу ансамбллари ҳам ашулага жўр бўлади еки коллектив бўлиб чалинади. Халқ

Урилиб чалинадиган чолғу асбобларидан — ноғора ҳам кенг тарқалгандир. (Фото 14). Одатда катталиги турлича бўлган икки ноғорадан фойдаланилади. Табиийки, катта ноғоранинг товуши анча паст бўлади. Илгаринги вақтларда ноғора ҳарбий қўшинларда ишлатиларди. Ҳозирги вақтда ноғора байрам кунлари чалинади. Ноғора доирага ўхшаб ашулага жўр бўлмайди.

Урилиб чалинадиган чолғу асбобларининг яна бир хили бўлган сафойил устида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш керак. Бу асбоб асли уйгурча бўлса керак. Сафойил бир-бирига темир ҳалқа билан бирлаштирилган иккита таёқдан иборат бўлиб, уларга майда темир ҳалқачалар кийдирилган. Созанда сафойилни тўхтовсиз силкитиб ва елкасига уриб, ундан жарангли товуш чиқаради. (Фото 15)

Икки томонли ноғора (доул) ҳозирги вақтда камдан-кам учрайди. У илгарилари дарбоз ўйинларида чалинади.

Ниҳоят, урилиб чалинадиган асбоблардан қайроқ, егоч қошиқ, занг эслатиб ўтиш керак. Булар бир-бири-



Фото 15

музикасида унисон асосий ўрин тутади. Кўп овозли музика элементларини асосан дутор учун ва қисман танбур учун ёзилган музикада учратиш мумкин. Темперациянинг йўқлигини ҳисобга олиб шунини алоҳида уқдириб ўтиш керакки, бундай ҳолда чолғу асбобларини ансамбль бўлиб чалиш акустик соф унисонга камдан-кам мувофиқ келиши мумкин. Чолғу асбоблари товушларининг ингичка-йўғонлигидаги айрим фарқлар одатда сезилмай қолади. Ҳар бир чолғу асбобининг тузилишига қараб куй турли оҳангга чалинади. Шунга қарамай, қайси чолғу асбобида чалинмасин, куй асосан ўзгармайди.

Чолғу асбоблари икки хил бўлади. Улардан бири ашулага жўр бўлади ёки бино ичида чалинади. Иккинчи хил чолғу асбоблари эса очиқ ҳавода чалиниб, ашулагига жўр бўлолмайди. Биринчи хил чолғу асбобларига одатда гижжак, най, қўшнай, танбур, дaira, шунингдек рубоб, дутор ва бошқалар кирadi. Мақомларни чалганда танбур ва дaira албатта жўр бўлади.

Халқ ашулаларига дутор ёки бошқа чолғу асбоблари жўр бўлади. Бунда ашулагига жўр бўладиган чолғу асбобларининг составини ҳисобга олиб бўлмайди.

Иккинчи хил чолғу асбоблари ансамблининг составида одатда бир-икки сурнай, нотера, бир неча дaira ва битта ёки бир неча карнай бўлади. Бу составдаги ансамблдан халқ байрамларида — очиқ жойда фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бу хил ансамблда товуши баланд, узоққа эшитиладиган чолғу асбоблари кўпроқ бўлади.

Ўзбек халқ чолғу музикасини икки турга бўлиш мумкин. улардан бири вокал музика асарларининг хиллари бўлиб, улар бирор чолғу асбобида чалиш учун мўлжалланган, иккинчи тури соф чолғу пьесалар бўлиб, уларни ашулачилар ижро этмайди.

Агарда бирорта куйнинг ашула қилиб айтилиши ва чолғу асбобида чалинишини бир-бирига таққослаб кўрилса, куйнинг куйда специфик ўзгаришлар юз берганини кўриш мумкин. Мисол тариқасида «Наво» мақомидagi «Сарахбор» куйини ва сурнай навосини келтириш мумкин.

Бо - шад ба ё - ди лав - ли ту  
уш - шоқ дар на - во,  
пар - вэр - да қай ша -  
кар ба у - ме - ди ша - кар на - во.

- о  
 эй жо ним  
 ♩ = 54  
*p* *dim.* *p*  
*dim.*

Иккала вариантда ҳам асосий мелодик оборотларнинг умумийлигини сезиш қийин эмас. Лекин характерли интонацион оборотларни сақлаб қолишда (бошланғич терия босқичи, айрим тузилишлардаги кадансларнинг кварта шибати) бу вариантлар кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Чолғу куйи бир-бири билан тез-тез алмашиб турадиган ва сурнайда осон чалинган товушлар группаси ҳамда форшлагларга бой; чолғу куйининг вокал вариантда бу хусусиятлар йўқ, чунки бу хусусият вокал музыкага қараганда кўпроқ чолғу музыкага хосдир. Бу ўринда сурнай учун ёзилган халқ вокал музыкасининг «транскрипция»ен айниқса характерлидир, чунки сурнай ашулага жўр бўлмайди, бинобарин сурнайда чалинган куй билан ашулачи айтадиган ашула ўртасидаги фарқ катта бўлади. Ашулачиларга жўр бўлаётган ансамбль бирорга халқ куйини чапганда айрим интонацияларнинг вариантлари учрайди, лекин бу нарса тўғриси куйининг чолғу ва вокал вариантлари ўртасида катта фарқ бўлмайди. Бунинг исботи учун овоз ва ансамблга ёзилган «Чоргоҳ» куйида куйидаги парчани келтириш мумкин:

♩ = 54  
 (A)  
 a

а)

Кора кў -  
зинг-зинг а - си - ри му - дом  
сур - ма - йи поз,  
та - мо на  
кўр - ма - ди бир сен ка -  
би бу - ти тап - поз.

Бу куйнинг иккала варианти ҳам бир-бирдан деталлардагина фарқ қилишини билиш осон. Улардан иккинчисини ёнжакда, рубобда ёки бошқа бирон чолғу асбобида, шунингдек бир қанча чолғу асбобида унисон чалиш мумкин.

$\text{♩} = 58$

Ўзбек халқ музыкасида фақат чолғу асбоблари учун ёзилган пьесалар жуда кўп. Бу пьесалар ўзининг узунлиги билан ажралиб туради, улар баъзан бир неча қисмдан иборат бўлади. Биринчи навбатда дутор учун ёзилган «Дугоҳ Ҳусайн», «Роҳат», «Тулчой», «Дутор Баёти» ва бошқа куйларни кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, шўлардан «Дугоҳ Ҳусайн» мана шундай бошланади (Е. Е. Романовская ёзиб олган):



Бу мисол дутор учун ёзилган қўш товушли музиканинг характерли томонларини ёрқин кўрсатади. Бу ўрнида параллель квинтлар ва қадансли октавалар устундир. Умуман «Дугоҳ Хусайн» уч қисмдан иборат бўлиб, бир қадар мақом тузилишларини эслатади. Бу келтирилган парчанинг куйида профессионал халқ музикаси, жумладан унинг секвенцияси учун характерли бўлган хусусиятларини кўриш мумкин.

«Кўштор» пьесаси бутунлай бошқача характерга эгадир. У ижро этилишининг қийинлиги билан ажралиб туради. Бу пьесани ижро этадиган созанда чолғу асбобиини жуда моҳирлик билан чала олиши керак. Бу пьеса шундай тузилганки, унда овоз аста-секин баландлашиб, кейинчалик яна пасаяди.

Шундай қилиб, бу пьеса куйида ўзбек халқ музикасининг умумий принциплари акс этгандир.

**Allegro gusto**

Дутор  
Қопқоққа уряш  
Удары по десе

*poco a poco crescendo*

Рубоб учун ёзилган пьесалар эса бир қадар бошқачадир. Бу ўринда «Савти муножат» куйидан келтирилган парча рубоб учун ёзилган музика асарининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввур бериши мумкин. Бу ўринда даставвал ўзбек халқ вокал музикаси учун ёт бўлган сакрашларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

**Con moto**

Ўз-ўзидан маълумки, рубобни сошлаш мелодиянинг (куйнинг) бир товушдан иккинчи товушга ўтишига имкон беради. Духовой чолғу асбоблари учун ёзилган музиканинг ўзига хос хусусияти ҳам худди мана шундодир. Ўз тузатиши билан у, одатда, халқ қўшиқларидан фарқ қилмайди. Духовой чолғу асбоблари учун ёзилган музиканинг характерли хусусияти шундаки, у пастки регистрдан авжга ўсиб чиқади, кейин яна пасаяди. Найда чалинган «Сарбозча» куйидан намуна келтирамыз:

**moderato**

Кўшнай учун ёзилган пьесалар ҳам худди шу принципда тузилади. «Лайзошул» куйидан келтирилган парча бунинг учун ёрқин исботдир. Бунда мелизматик кўп бўлиши билан кичик септимага сакрашлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу хил сакраш ўзбек халқ куйлари чолғу асбобларида чалинган вақтдагина учрайди.

### Allegro

Сурнай учун ёзилган пьесалар ўзига хос хусусиятлари билан кескин фарқ қилади. Бу пьесалар вокал куйнинг вариантлари бўлмай, фақат сурнай учун мўлжаллангандир. Бу пьесаларнинг куйида мелизмлар кўп бўлиши билан унда фақат баланд сакрашлар эмас, шунингдек паст сакрашлар ҳам кўплигини кўрамиз. Бошқа чолғу асбоблар учун ёзилган пьесалардагига қараганда сурнай куйида чолғу бошлиниши яққолроқ кўринади. Бу хусусиятлар «Якка садр» куйида аниқ кўринади.

### Соп шотс



Бу куйда донра ҳам қатнашиб, у бутун асарнинг ритмик асосини ташкил этади. Донрачи юқорида қайд қилиб ўтилган товуш комбинацияларидан ташкил топган доимий ритмин уриб ўтиради.

Бу куйни чалишда халқ музикасидаги кўп усулларнинг биридан фойдаланилади. Унда карнай ҳам қатнашиб, унга хос бир хил товушни такрорлай беради. Шундай қилиб, бу ерда келтирилган мисол сурнай, карнай ва донра чалишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввур беради. Шу билан бирга халқ байрами кунлари очик жойда ансамблда ижро этиладиган музика учун намуна бўлади.

«Ўзбек халқ музикаси»нинг бундан олдин босилиб чиққан томларида вокал музика ҳақида кенг маълумот берилиб, у ўзбек халқ чолғу музикасининг ўзига хос томонларини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Шунини ҳисобга олиб, авторлар бу мақолада ўзбек халқ чолғу музикасининг энг характерли намуналари устидагина тўхталиб ўтдилар.

Ўзбек халқининг чолғу музикасини ҳар томонлама чуқур ва кенг ўрганиш музика назариячиларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу тўплам ўзбек музика билимининг айрим проблемаларини ёритишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

\* \* \*

Мақоланинг охирида яқин ўтмишдаги ва ҳозирги машҳур халқ созандаларининг фаолиятига қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтиш зарур.

Энг машҳур танбурчилардан бири — чимкентлик Султонхон Ҳақимов (1885—1922) эди. У созанда акалари билан биргаликда маҳорат билан танбур чалганлиги туфайли кенг шухрат қозонган. Султонхон Ҳақимовнинг музика эшитиш қобилияти

ва хотираси кучли бўлиб, у фақат ўзбек музикасининггина эмас, балки рус музикасининг ҳам қийин ва мураккаб асарларини ниҳоятда тез ўрганиб оларди. 1905—1907 йиллари Султонхон Ҳакимов машҳур халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмухамедов билан бирга Москвага борди. Ўзбек музикаси («Чоргоҳ», «Шафоат» ва бошқалар) граммофон пластинкасига биринчи марта шулар ижросида ёзиб олинди. Султонхон Ҳакимов ижросида ёзиб олинган инструментал музика асарлари ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Ўзбекистондаги энг машҳур халқ созандалиридан бири маргилоплик Уста Олим Комиловдир (1875—1954).

У ота-онасидан жуда ёш етим қолиб, болалигида оғир меҳнат билан кун кечиришга мажбур бўлди. Комилов музика санъатига зўр муҳаббат ва ихлос қўйиб, чапг, поғора, допрани зўр маҳорат билан чаладиган бўлди. Кейинчалик Уста Олим моҳир доирачи сифатида кенг шуҳрат қозонди. Совет ҳокимияти ўрнатилган биринчи кунлардан бошлаб Уста Олим Комилов янги маданият қуриши ишида актив иштирок этди: музика тўғараклари ташкил этди, агитация-пропаганда ишларини олиб борди. 1926 йилда Комилов этнография концертлари труппасига кириб Совет Иттифоқи шаҳарлари бўйлаб бир неча бор сафар қилди. Кўп ўтмай Олим Комилов шу қадар шуҳрат қозондики, халқ уни уста деб атай бошлади. Бу ажойиб, моҳир санъаткор 1935 йил Лондонда ўтказилган жаҳон рақслари фестивалида қатнашди. Бу фестивалда Уста Олим Комиловнинг доирачилик маҳорати юксак баҳоланди ва унга олтин медаль тақдим этилди. 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати декадасида ҳам Уста Олим катта муваффақият қозонди. У моҳир доирачи бўлибгина қолмай, рақсларни ҳам зўр маҳорат билан саҳналаштирди. Совет ҳукумати Уста Олим Комиловнинг музика санъатини ривожлантиришдаги катта хизматларини юксак тақдирлаб, уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади, республика ҳукумати Ўзбекистон ССР халқ артисти деган шарафли унвон берди. Уста Олим Комилов бир қанча ёш музикачиларни тарбиялаб ўстирди. Улар Комилов раҳбарлигида моҳир доирачи бўлиб етишдилар.

Қўқонлик Абдуқодир Исмоилов (1880—1951) машҳур найчилардан ҳисобланади. У жуда ёшлигида етим қолади. Болалигида оғир меҳнат қилиб кун кечиришга қарамай, у музикага қизиқиб, най чалишни ўрганиди ва ҳадемай найни зўр маҳорат билан чаладиган бўлди. Исмоилов 1917 йилда Тошкентга келади ва халққа танилади. 1921 йили Абдуқодир Исмоилов агитбригаданинг ишида қатнашди. 1927 йилдан бошлаб эса этнографик ансамблда ишлаб бошлайди. Бу ансамбль билан у бир неча концертларда иштирок этди. 1928 йилдан бошлаб Абдуқодир Исмоилов Самарқанддаги хореография ва музика институтида ўқитувчилик қилади. 1935 йили у Лондонда ўтказилган халқаро рақслар фестивалида қатнашди.

Ажойиб халқ созандаси, дуторчиси Абдусоат Ваҳобов (1875—1934) Тошкентда тугилган. У болалик чоғидаёқ дутор чалишдаги маҳорати ва хотирасининг кучлилиги билан эшитувчиларни қойил қолдиради. Бир неча йил давомида (1892—1907) Абдусоат Ваҳобов машҳур созандалардан тузилган ансамблнинг концертларида қатнашди. Буюк Октябрь социалистик революциясидан кейин Абдусоат Ваҳобов республикада музика маданиятини юксалтириш ишида актив иштирок этади. У халқ музикачиси Шораҳим Шоумэров билан бирга ашулачи, танбурчи ва дуторчилардан ансамбль тузади. Бу ансамбль тез-тез концертлар бериб туради. Айни вақтда Абдусоат Ваҳобов Тошкент музика техникумида халқ чолғу асбобларидан дарс ҳам беради. 1929 йили Ўзбекистон ҳукумати ўзбек халқ музикасини мунтазам ёзиб бориш масаласини қўйганда Абдусоат Ваҳобов бу ишда флел қатнашди ва унга катта ҳисса қўшди.

Машҳур найчи ва қўшнайтичи Аҳмаджон Умурзоқов 1888 йили Қўқонда косиб бўзчи оиласида тугилди. У ёшлигида бўз тўқишида отасига ёрлам бериш билан бирга музикани ҳам ўрганади. Кўп ўтмай Умурзоқов машҳур созандалардан тузилган ансамблда иштирок эта бошлайди. Революциянинг дастлабки йилларида Аҳмаджон Умурзоқов Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ўлка сайёр» драма труппасида ишлади. 1926 йили у этнографик ансамблда қатнашди. 1928 йили Умурзоқов Самарқанддаги театр ва музика институтига ўқитувчиликка чақирилади.

Аҳмаджон Умурзоқов най ва қўшнай чалишдаги маҳорати ҳамда репертуарининг бойлиги билан эшитувчиларнинг ҳурмат ва олқишига сазовор бўлади. 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъат декадасида ва 1939 йил халқ чолғу асбобларида ижро этувчилар учун ўтказилган конкурсда Аҳмаджон Умурзоқовнинг санъатига юксак баҳо берилади. Ўзбекистон партия ва ҳукумати Аҳмаджон Умурзоқовнинг фаолиятини юқори баҳолаб, унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий унвон берадилар. Аҳмаджон Умурзоқов ҳозирги кунда ҳам ўзининг созандалик фаолиятини давом этдирмоқда.

Рўзиматхон Исабоев 1885 йили Наманганда туғилди. У энг моҳир чангчилардан-дир. Исабоев болалигидаёқ дутор ва чангни яхши чаларди. Ота-онасининг қарши-лигига қарамай ёш Исабоев бутун ҳаётини музикага бағишлашга қатъий жазм қилади. Октябрь революциясидан кейин Исабоевнинг созандалик ва ўқитувчилик фаолияти яна ҳам кенг қулоч ёзади. Бу чангчининг бой репертуари ўзбек халқ куйларидан иборатдир. 1940 йилда Рўзиматхон Исабоевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилди. Ҳозирги вақтда Исабоев Намангандаги музика билим юртида ўқитувчилик қилмоқда, у ўзининг бутун куч, билим ва тажрибасини ёш насларни тарбиялаб егитириш ишига бағишламоқда.

Ўзбек халқ чолғу асбобларининг уста конструктори Усмон Зуфаров ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. У 1892 йили Тошкентда туғилди. Бу моҳир уста чолғу асбобларини реконструкциялашда халқимизнинг энг яхши анъаналаридан фойдаланади. Ўзбек музика санъатининг ривожига катта эътибор берган Усмон Зуфаров 1920 йиллардаёқ халқ чолғу асбобларини реконструкциялаш ишида тажрибалар ўтказди. У биринчи марта дутор, танбур ва ғижжакнинг альт ва тенор хилларини ишлаб чиқадди. 1927 йилдан бери Усмон Зуфаров Санъатшунослик илмий-текшириш институти қошидаги экспериментал лабораторияда ишламоқда. Бу ерда у профессор В. А. Успенский раҳбарлигида халқ чолғу асбобларини такомиллаштириш устида бир неча тажриба ўтказди. Усмон Зуфаров конструкция қилган чолғу асбобларга музикачилар юксак баҳо бердилар. Совет ҳукумати уста конструктор Усмон Зуфаровнинг фаолиятини тақдирлаб, унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонини берди.

\* \* \*

Бу тўпلام «Ўзбек халқ музикаси» китобининг 3 томи бўлиб, бунга бир қанча машҳур чолғу музика асарлари киритилган. Бу асарлар турли чолғу асбоблари ва ансамблларида чалиш учун мўлжалланган. Бу тўпلام ўзбек халқ чолғу музикаси ҳақида илгари нашр этилган барча тўпلامларга қараганда кўпроқ маълумот беради. Ишонамизки, тўпلام созандалар учун ҳам, ўзбек халқ музикасини текширувчилар учун ҳам кўп материал беради ва Ўзбекистон маданияти хазинасига қўшилган қиммат баҳо бир ҳисса бўлади.

*Н. Акбаров, Ю. Қон.*







## УЗБЕКСКАЯ НАРОДНАЯ ИНСТРУМЕНТАЛЬНАЯ МУЗЫКА



богатейшей музыкальной культуре узбекского народа значительную роль играет инструментальная музыка, традиции которой сложились в отдаленное время.

Памятники изобразительного искусства указывают на то, что в глубокой древности инструментальное исполнительство не только было распространено, но находилось на высоком уровне. Об этом свидетельствует, в частности, так называемый Айртамский фриз, относящийся к культуре древней Согдианы. На нем изображены музыканты. Один из них представлен на фризе со струнным арфообразным инструментом в руках, другой — с духовым инструментом, похожим на флейту, и третий — с двусторонним барабаном продолговатой формы. Можно заключить, что согдийцы знали основные типы инструментов и использовали их как в соло, так и в ансамбле.

Ряд сведений о музыкальных инструментах и предназначенных для них произведений содержится в музыкальных трактатах эпохи средневековья и более позднего времени. Хотя авторы этих трудов единодушно указывают на вокальную музыку как на главную, важнейшую форму музыкального искусства, сами они уделяют немалое внимание инструментальному началу. В музыкальном трактате замечательного среднеазиатского ученого Ал-Фараби указывается на то, что «инструментальная музыка может сопровождать пение или же может подражать голосу. Она аккомпанирует ему, обогащает его или образует прелюдии и интермедии. Интермедии дают певцу отдых. В то же время они дополняют вокальную музыку, выражая то, что недопустимо голосу»<sup>1</sup>.

Таким образом, Ал-Фараби определяет две функции инструментализма, которые сохранились в народной музыке до наших дней, а именно: его аккомпанирующую роль и возможности сольного исполнения. Этот ученый наиболее совершенными инструментами считал те, которые способны «подражать человеческому голосу». Поэтому ударным инструментам он не придавал большого значения. Ал-Фараби писал: «Инструментами, производящими звуки, наиболее приближающимися к человеческому голосу, являются рабаб<sup>2</sup> и духовые инструменты. Они подражают голосу лучше всех... Рабаб и род флейт, называемых сурнай<sup>3</sup>, могут подражать голосу наиболее совершенным образом»<sup>4</sup>. К сожалению, труд Ал-Фараби не содержит подробных характеристик инструментов, за исключением лютни (эл-уд), которая служила основой для теоретических расчетов интервалов. Поскольку этот инструмент совершенно не бытует в Узбекистане, нет нужды подробно здесь его описывать.

<sup>1</sup> Цит. по французскому переводу «Книги о музыке» Ал-Фараби, помещенному в работе R. d'Ertauger. *La musique arabe, ses règles et sa histoire*, V. II. Paris, 1935. (Р. д'Эрланже. *Арабская музыка, ее закономерности и история*).

<sup>2</sup> Под названием «рабаб» Ал-Фараби подразумевает инструмент вроде скрипки, в Узбекистане известный как гиджак.

<sup>3</sup> Ал-Фараби имеет, очевидно, в виду поперечную флейту, называемую в Узбекистане най.

<sup>4</sup> Цит. по указанному труду, стр. 22—23

Ценные сведения об инструментальной музыке можно найти в музыкальном трактате Абу Али ибн Сины (980—1037 гг. н. э.). Ибн Сина классифицирует инструменты на струнные и духовые. К первой группе он относит инструменты с ладами (перемычками) и без них, а также струнные инструменты без резонаторного ящика. Среди инструментов с ладами он называет лютню и танбур. Ибн Сина говорит и о рабабе, характеризуя его как смычковый, и об инструментах второй группы, считая важнейшим из них сурнай, подразумевая, впрочем, под этим названием поперечную флейту.

Критерием классификации инструментов Ибн-Сина считал способ звукоизвлечения. Он писал: «Инструменты отличаются друг от друга тем, как они применяются»<sup>1</sup>. Более поздние теоретические трактаты о музыке содержат сравнительно полные списания инструментария и называют имена прославленных музыкантов-исполнителей.

В известном по изложению профессора А. А. Семенова трактате Дервиш-Али (XVII в.) содержится довольно подробный перечень музыкальных инструментов, легенды о их происхождении и сведения об исполнителях. Любопытно, что Дервиш-Али называет ряд инструментов, в настоящее время вышедших из употребления у народов Средней Азии. Так, например, называемый Дервишем-Али кобыз в настоящее время бытует только в Киргизии, Казахстане и Кара-Калпакии, хотя в прошлом он широко был распространен не только в Средней Азии, но и в Европе. Исчезновение этого инструмента в Узбекистане объясняется, по-видимому, тем, что он был вытеснен более совершенным гуджаком.

Прежде всего необходимо кратко описать музыкальные инструменты, бытующие в настоящее время в Узбекистане. Желющим изучать их подробно следует обратиться к книге В. М. Беляева «Музыкальные инструменты Узбекистана» (Москва, 1933). Этот труд, как и другие работы профессора В. М. Беляева, служит ценным источником сведений об узбекской музыке.

Узбекские народные инструменты подразделяются на три основные группы: струнные, духовые и ударные. Внутри каждой из этих групп существует множество разновидностей. Однако не все инструменты пользуются в народе одинаковой популярностью. В настоящей статье описываются лишь наиболее распространенные из них. Из струнных инструментов необходимо прежде всего отметить гуджак — разновидность скрипки (фото I). Гуджак



Фото I

состоит из шарообразного корпуса и прямого круглого грифа. Передняя срединная часть корпуса затянута мембраной, сделанной из кожи животного. Поскольку гуджак при игре держится вертикально, в нижней части корпуса к нему прикрепляется шпиль, упирающийся в колено исполнителя. Круглый гриф заставляет инструмент поворачиваться во время игры в зависимости от струны, прижимаемой в тот или иной момент. На гуджаке ранее, как правило, имелось три струны, настроенные по квартам. Позже стали прибавлять четвертую струну, что расширяло звукоряд инструмента. Диапазон трехструнного гуджака охватывает около полутора октав (начиная примерно от ми бемоль!), а четырехструнного — около двух октав. Звук открытой струны в народных инструментах не является постоянным, поэтому указанные здесь звукоряды нельзя

<sup>1</sup> Цит. по указанному труду д'Эрланже, стр. 234.

считать нормативными. Настройка открытых струн может изменяться в зависимости от исполняемого произведения.

Последние десятилетия гиджак иногда стал заменяться скрипкой, которую народные исполнители держат подобно гиджаку—вертикально.

**Смычок**, применяемый народными музыкантами, отличается от скрипичного тем, что его древко имеет лукообразную форму и на нем отсутствует колодка. Натяжение волоса регулируется во время игры большим пальцем правой руки. Это легко осуществимо, так как смычок при игре на гиджаке держится нижней хваткой, аналогично тому, как держат смычок контрабасисты. В настоящее время народными исполнителями применяется скрипичный смычок, что не меняет привычного способа его держания.

Другим смычковым инструментом, хотя менее распространенным, чем гиджак, является сато — смычковый чанбур (фото 2). Этот инструмент отличается от гиджака формой корпуса и, что особенно важно, плоским длинным грифом, на котором нава-



Фото 2.



Фото 3.

зани перемычки (парда). На самом корпусе наклеено несколько дополнительных перемычек, сделанных из дерева (хас парда). Сато имеет четыре струны, из которых первая является мелодической. Техника ведения смычка не отличается от техники пользования им при игре на гиджаке.

Шнурковые инструменты представлены в Узбекистане рядом образцов. Самый распространенный из них—дудар (фото 3). Корпус дутара состоит из склеенных тонких гнутых деревянных пластинок. Верхняя часть корпуса покрывается тонкой деревянной декой, обычно состоящей из нескольких маленьких тверстней. Гриф дутара—плоский с верхней и полукруглый с нижней стороны—обычно инкрустируется костью. Материалом для ладов, навязываемых на гриф, служат тонкие жилые струны. На деке устанавливается маленькая деревянная подставка. Струны дутара, сделанные из шелка, натянуты

<sup>1</sup> В Бухаре и Хорезме можно встретить эти инструменты с корпусом, сделанным из выдолбленного цельного куска дерева.

слабо и невысоко, поэтому звук его не отличается громкостью. Этот инструмент предназначен преимущественно для домашнего музицирования. Играют на дутаре без плектра (нахун), зацепляя струны полусогнутыми пальцами правой руки. В народном исполнении существуют различные способы звукоизвлечения. Две струны дутара настраиваются в кварту, квинту, секунду, реже в октаву и унисон. Характерная особенность звукоряда этого инструмента состоит в том, что расстановка ладов в нижней октаве образует хроматический (исключая повышение четвертой ступени), верхняя же его часть — диатонический звукоряд. В зависимости от количества перемичек общий диапазон звукоряда достигает от полутора до двух октав. Специфической особенностью музыки для дутара является двухголосие.



Как видно из приведенного образца, это двухголосие бывает двух типов: ленточное, основанное на параллельном движении голосов, и бурдонное, с выдержанным нижним звуком. Эти две формы чередуются. Присобладоющими созвучиями являются квинты и кварты.



Фото 4.

Дутар — единственный узбекский инструмент, не только допускающий двухголосное исполнение, но предполагающий его как обязательное.

Большое значение в узбекской музыке имеет танбур — щипковый инструмент типа лютни (фото 4). Небольшой по размерам корпус танбура выдалбливается из куска дерева. Верхняя часть корпуса закрывается тонкой деревянной декой. Перемички навязываются на длинный и довольно толстый гриф. Танбур имеет три металлические струны, настраиваемые в зависимости от исполняемого произведения. Танбур непременно участвует в исполнении макамов, поэтому его настройка связана с одним из этих классических произведений музыкального искусства узбекского народа. Так, например, для макама «Рост» первая и третья струны

настраиваются в унисон, средняя же — в нижнюю квинту. Для макамов «Бузрук», «Дугох» и «Ирак» средняя струна настраивается в нижнюю кварту и, наоборот, для макамов «Наво» и «Сегох» — в нижнюю секунду.

Мелодия на танбуре исполняется лишь на первой струне. Остальные служат для подчеркивания ритмически важных моментов короткими аккордами, состоящими обычно из квинты и удвоения основного тона. Приводим образец танбурной музыки, в котором описаны только что описанные особенности.



Шестая перемычка танбура не закреплена и допускает передвижение. Поскольку основной звук мелодии обычно соответствует четвертой перемычке, то ясно, что эти изменения позволяют варьировать высоту третьей ступени лада, что является характерным свойством узбекской музыки. Учитывая, что общее количество ступеней звукоряда танбура, включая дополнительные перемычки, достигает двадцати, общий диапазон этого инструмента распространяется почти на две октавы. Звуки танбура расположены в диатоническом порядке. При игре на танбуре пользуются плектром, кольцообразное основание которого надевается на указательный палец правой руки.

В далеком прошлом существовали две разновидности танбура. Так называемый багдадский танбур, вышедший из употребления к X веку, обладал небольшим диапазоном и едва ли может считаться «предком» современного узбекского танбура. Родственным ему не был и хорасанский танбур, напоминающий скорее распространенный и ныне в Закавказье тар.



Фото 5.



Фото 6

До настоящего времени сохранились смычковые разновидности табура, из которых важнейшим является сазер — трехструнный инструмент с приструнками, внешним видом напоминающий табура (фото 5).

К распространенным шипковым инструментам относится кашгарский рубаб. Он имеет пять струн, из которых первые две настраиваются в унисон, третья — в нижнюю кварту, а четвертая и пятая — квинтой ниже (фото 6).

Перемишки на грифе кашгарского рубабa расположены так, что две октавы от диатона образуют полный хроматический звукоряд. Играют на этом инструменте при помощи плектра, почти исключительно на первой и второй струнах (мелодических), остальные же являются резонирующими.

К лютевым инструментам относится и афганский рубаб, иногда называемый индийским. В упомянутой выше книге профессора В. М. Беляева этот инструмент харак-



Фото 7.

теризуется следующим образом: «Если смотреть на этот инструмент сверху, то он имеет вид довольно остроугольной, закругленной с широкой (нижней) стороны и приблизительно на одной трети расстояния от этого широкого конца сверху имеющей две глубоких боковых выемки. Корпус этого инструмента очень глубокий и превышает ширину его почти в полтора раза». Гриф афганского рубабa сравнительно короткий, сверху плоский. На нем расположены перемишки, позволяющие извлекать из инструмента хроматический звукоряд

Только добавочные перемишки соответствуют диатонике. На афганском рубабe имеется пять мелодических струн. Из них первая и вторая настраиваются в унисон, третья и четвертая — квинтой ниже в унисон, а пятая — квинтой ниже предыдущей. Абсолютная высота настройки афганского рубабa, как и других струнных

<sup>1</sup> В. М. Беляев, «Музыкальные инструменты Узбекистана», М., 1933, стр. 12—73.



Фото 8.

инструментов, может варьироваться в зависимости от исполнительских задач. Афганский рубаб имеет около десяти резонирующих струн. Играют на этом инструменте электром зацепляя лишь металлические струны

В Узбекистане пользуется широкой популярностью струнно-ударный инструмент — чанг (фото 7). В прошлом под этим названием подразумевался цитрообразный инструмент. В настоящее время он отнесен к разновидностям цимбал. Чанг состоит из резонаторного ящика, имеющего форму трапеции. На нем натянута 14 струн, разделенных на две группы, причем 12 верхних струн устроены в унисон, что в общей сложности дает сорок струн. Одна из групп разделена поперечной подставкой так, что ее более короткая часть даст звук на квинту выше длинного отрезка струн. Общий диапазон чанга охватывает полторы октавы, начиная от звука ля бемоль большой октавы. Звуки его расположены в диатоническом порядке. На чанге играют двумя камышовыми или деревянными палочками, ударяя ими по струнам.

Важнейшим из духовых инструментов является най, представляющий собой разновидность поперечной флейты (фото 8). Этот инструмент изготавливается из камыша (чаров-най), но встречаются и сделанные из дерева (агач-най), из латуни (мис-пан) и белой жести (бриджи-най). Этот инструмент имеет шесть отверстий, что позволяет



Фото 9.



Фото 10

извлекать из него звуки диатонического ряда в пределах более двух октав. Седьмое отверстие, расположенное между местом вдувания воздуха и первым пальцевым отверстием, заклеивается бумагой, что, по мнению народных музыкантов, улучшает звук. Характерной особенностью игры на нем являются частые появления призвуков, форшлагов в результате передувания.

